

Ҳарбий-Дипломатик Ҳамкорлик: Назарий Асослари, Халқаро Тажриба Ва Ўзбекистон Қонунчилигидаги Ҳуқуқий Бўшлиқ

Арипов Ботир Бахтиярович

Ўзбекистон Республика Жамоат хавфсизлиги университети мустақил изланувчиси

Аннотация: Мақолада ҳарбий-дипломатик ҳамкорлик тушунчасининг мазмун-моҳияти, амалга ошириш шакллари ва стратегик аҳамияти илмий таҳлил қилинган. Жаҳон амалиётидаги илғор тажрибалар, жумладан АҚШ, Буюк Британия, Франция, Германия ва Россия давлатларининг ҳуқуқий-амалий ёндашувлари асосида таҳлиллар берилган. Шунингдек, Ўзбекистонда амалдаги қонунчилик ҳужжатларида ҳарбий-дипломатик ҳамкорлик тушунчаси ва шакллари етарли даражада ёритилмагани, бунинг оқибатида юзага келаётган ҳуқуқий бўшлиқ ва уни бартараф этиш бўйича илмий таклифлар баён этилган.

Калим сўзлар: ҳарбий-дипломатик ҳамкорлик, муҳофаза сиёсати, ташқи сиёсат, қонунчилик таҳлили, ҳуқуқий бўшлиқ, ҳарбий атташе, халқаро ҳамкорлик

Бугунги геосиёсий мураккаб вазият, глобал хавфсизлик муҳитининг беқарорлашуви ва янги таҳдидларнинг вужудга келаётгани давлатларнинг муҳофаза ва ташқи сиёсат соҳаларидаги ёндашувларини тубдан қайта кўриб чиқишга мажбур қилмоқда. Айниқса, ҳарбий ва дипломатик фаолиятни уйғунлаштириш, давлатнинг халқаро майдондаги манфаатларини ҳимоя қилишда ҳарбий-дипломатик ҳамкорликнинг ўрни бекиёсдир. Жаҳон миқёсида давлатлар ўртасидаги ҳарбий-сиёсий мулоқотлар, ўзаро ишончни мустаҳкамлашга қаратилган шартномалар ва стратегик шериклик муносабатлари орқали мустаҳкам ҳарбий-дипломатик платформалар шаклланмоқда.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев бу борадаги устувор йўналишларни аниқ белгилаб берган ҳолда, мамлакатимизнинг ташқи сиёсий фаолиятида ҳарбий-дипломатик ҳамкорликни кучайтириш зарурлигини алоҳида таъкидлаган. Жумладан, давлат раҳбари “*Янги Ўзбекистон стратегияси*” асарида “Бугунги кунда глобал ва минтақавий таҳдидлар, замонавий хавф-хатарлар шароитида ҳарбий ҳамкорлик ва ҳарбий-дипломатик алоқаларни кучайтириш — миллий хавфсизликни таъминлашнинг муҳим омилларидан бирига айланмоқда. Шу боис, Қуролли Кучларимизнинг ташқи сиёсий фаолиятидаги иштирокини янада кенгайтириш, хорижий ҳарбий атташелар ва ҳарбий-дипломатик миссиялар билан самарали ҳамкорликни йўлга қўйиш зарур”¹ дейди.

Мазкур мулоҳазалардан келиб чиқиб, ҳарбий-дипломатик ҳамкорлик нафақат миллий хавфсизлик ва муҳофаза салоҳиятини таъминлашда, балки Ўзбекистоннинг халқаро майдондаги нуфузини мустаҳкамлаш, минтақавий барқарорлик ва тинчликни таъминлашда ҳам муҳим стратегик восита сифатида намоён бўлмоқда. Шу жиҳатдан, мазкур мавзининг илмий жиҳатдан тадқиқ этилиши — замонавий геосиёсий шароит ва янги Ўзбекистоннинг фаол ташқи сиёсат стратегияси билан мутаносиб ҳолда долзарблик касб этмоқда.

¹Ш.М.Мирзиёев. “*Янги Ўзбекистон стратегияси*”. Тошкент: “Ўзбекистон”, 2021. 148-бет // <https://strategy.uz/index.php?news=1589>

Ҳарбий-дипломатик ҳамкорлик тушунчаси, унинг мазмун-моҳияти ва амалга ошириш шакллари илмий жиҳатдан аниқ ва тизимли тарзда таҳлил қилиш бугунги глобал хавфсизлик муҳитида алоҳида долзарб аҳамият касб этмоқда. Замонавий ҳарбий-дипломатик муносабатларнинг ҳуқуқий-сиёсий ва амалий механизмларини тадқиқ этиш доирасида турли мамлакат олимлари ушбу категорияга нисбатан илмий назарий ёндашувларни шакллантирган ҳолда, унинг стратегик аҳамиятини турлича талқин қилмоқдалар.

Жумладан, **Россиялик** таниқли олим *А.А. Кокошин* ҳарбий-дипломатик ҳамкорликни ташқи сиёсатнинг стратегик унсури сифатида баҳолайди. Унинг таъкидлашича, мазкур ҳамкорлик тури ҳарбий мувозанатни сақлаш, қўшма таҳдидларга қарши курашиш, ҳамда ҳарбий-техник ҳамкорликни ривожлантиришнинг муҳим механизми ҳисобланади². **Буюк Британиялик** тадқиқотчи *Martin Clarke* эса ҳарбий дипломатияни стратегик мулоқотнинг институционаллашган шакли сифатида талқин этиб, уни халқаро низоларнинг олдини олиш ва ишонч муҳитини шакллантиришда муҳим восита сифатида баҳолайди³.

Америкалик сиёсатшунос *Joseph Nye* эса “yumshoq куч” (*soft power*) ва “ақлли куч” (*smart power*) назариялари асосида ҳарбий-дипломатик ҳамкорликни ташқи сиёсатнинг мулоқотчан ва куч билан боғлиқ самарали шакли сифатида таърифлайди. Унга кўра, ҳарбий қобилиятларни дипломатик воситалар билан уйғунлаштириш миллий манфаатларни ҳимоя қилишда юқори натижа беради⁴.

Бошқа бир қатор **Британия** олимлари — *Brian Hocking* ва *David Spence* ўз тадқиқотларида ҳарбий дипломатия (*defense diplomacy*)ни ташқи сиёсатнинг муҳим таркибий қисми сифатида таҳлил қилади. Уларга кўра, бу дипломатия тури ҳарбий воситалар орқали, лекин жанг ҳаракатларисиз, ташқи сиёсий мақсадларга эришишни назарда тутаяди. Қўшма машқлар, кўп томонлама учрашувлар, ҳарбий атгашелар фаолияти ва хавфсизлик бўйича маслаҳатлашувлар эса унинг асосий шакллари ташкил этади⁵. **Ирландиялик** *Andrew Cottey* ва **Британиялик** *Anthony Forster* тадқиқотларида эътироф этилишича, ҳарбий дипломатия хусусан совуқ урушдан сўнг халқаро тинчликни сақлаш ва янги давлатлар билан хавфсизлик алоқаларини йўлга қўйишда муҳим воситага айланган. Улар мазкур ҳамкорликни демократик жараёнлар ва ҳарбий ислохотларни қўллаб-қувватлашнинг муҳим қисми сифатида баҳолайдилар⁶.

Шунингдек, ҳарбий-дипломатик ҳамкорлик масаласи **Россия** илмий мактабида муҳим назарий ва амалий йўналиш сифатида кенг ўрганиб келинмоқда. Бу соҳада фаолият юритувчи қатор таниқли ҳарбий-сиёсий таҳлилчилар ва халқаро муносабатлар соҳасидаги мутахассислар ҳарбий дипломатиянинг моҳияти, мақсадлари ва механизмларини ўзларининг илмий қарашлари асосида таҳлил қилиб, муаллифлик концепцияларини илгари сурганлар.

Жумладан, ҳарбий-сиёсий таҳлилчи, профессор *О.А. Колтунов* ҳарбий-дипломатик ҳамкорликни ташқи сиёсатни амалга оширишдаги муҳим ҳарбий-техник восита сифатида баҳолаб, уни халқаро майдонда давлатнинг миллий манфаатларини ҳимоя қилиш ва таъсир доирасини кенгайтиришга хизмат қилувчи механизм сифатида тавсифлайди. Унга кўра, бундай ҳамкорлик Россия учун стратегик аҳамиятга эга бўлиб, геосиёсий мақсадларни амалга оширишда муҳим ўрин тутаяди⁷.

²Кокошин А.А. *Военно-политические проблемы обеспечения безопасности России*. – М.: Наука, 2003. – С. 112–114.

³Clarke, M. *Strategic Diplomacy and Defense Engagement: A British Perspective*. In: Cornish, P. (ed.), *The UK and the Future of Global Security*. London: Chatham House, 2016. – pp. 37–45.

⁴Nye, J.S. *Soft Power: The Means to Success in World Politics*. New York: Public Affairs, 2004. – pp. 105–109.

⁵Hocking, B. & Spence, D. (eds.) *Foreign Ministries in the European Union: Integrating Diplomats*. Basingstoke: Palgrave Macmillan, 2005. – pp. 88–93.

⁶Cottey, A. & Forster, A. *Reshaping Defence Diplomacy: New Roles for Military Cooperation and Assistance*. Oxford: Oxford University Press, 2004. – pp. 11–18.

⁷Колтунов О.А. *Военно-техническая дипломатия: содержание, формы и перспективы развития*. – // *Военно-исторический журнал*. 2021. № 2. – С. 45–48.

Ўз навбатида, академик *А.А. Кокошин* ҳарбий-дипломатик ҳамкорликни ташқи сиёсатнинг ажралмас стратегик унсури сифатида баҳолайди. У бу ҳамкорликни қўшни ва глобал давлатлар билан ишонч, барқарорлик ва ўзаро ишонч муҳитини шакллантиришнинг самарали воситаси сифатида кўради ва уни давлат хавфсизлигининг узвий қисми деб ҳисоблайди⁸.

Профессор *Е.А. Кожин* эса ҳарбий дипломатияни Россиянинг миллий хавфсизлик тизимидаги институционал элементларидан бири сифатида талқин қилади. Унинг таъкидлашича, ҳарбий дипломатиянинг асосий функцияларига ҳарбий атташеларнинг фаолияти, икки томонлама ва кўп томонлама форматлардаги ҳарбий учрашувлар, ҳамкорлик шартномалари ва бошқа ташкилий-ҳуқуқий механизмлар киради⁹.

Шу билан бирга, профессор *В.П. Кожухаров* ҳарбий-дипломатик хизматни мустақил институционал фаолият тури сифатида кўриб, унинг тарихи, ташкилий шакллари, амалий усуллари ва давлатлараро муносабатлардаги ролини илмий таҳлил этади. У ҳарбий дипломатиянинг шаклланиш босқичлари ва унинг эволюциясини амалий мисоллар орқали очиб беради¹⁰. Замонавий таҳлилчи *И.И. Михайлов* эса ҳарбий дипломатияни ХХI асрда Россия ташқи сиёсатининг муҳим интеграл қисми сифатида таърифлаб, унинг янги шакллари, жумладан, бирлашган форматдаги ҳарбий учрашувлар, кўп томонлама форумлар, стратегик алоқа каналлари ва халқаро ҳарбий ҳамкорлик платформаларидаги ролига алоҳида эътибор қаратади¹¹.

Шу билан бирга, миллий илмий-академик муҳитда ҳам ҳарбий-дипломатик ҳамкорлик масаласига назарий ва амалий жиҳатдан комплекс ёндашув асосида ёндашилмоқда. Айрим етакчи маҳаллий тадқиқотчилар ушбу соҳанинг концептуал асосларини шакллантириш, унинг миллий хавфсизлик, ташқи сиёсат ва мудофаа стратегияси билан ўзаро интеграциясини илмий асослашга қаратилган изланишлар олиб бормоқдалар.

Хусусан, *А.Х. Сидиқов* ўз тадқиқотларида ҳарбий-дипломатик ҳамкорликни Ўзбекистон Республикасининг ташқи сиёсий доктринасидаги стратегик йўналишлардан бири сифатида баҳолайди. Унинг фикрича, мазкур ҳамкорлик тури минтақавий ва глобал микёсдаги хавфсизлик муаммоларини бартараф этишда, шунингдек, ҳарбий-сиёсий мувозанатни сақлашда самарали восита ҳисобланади¹². *Ш. Қодиров* эса ҳарбий дипломатиянинг амалий механизмларини таҳлил қилар экан, ҳарбий атташе институти фаолияти орқали ҳарбий-дипломатик муносабатларнинг шаклланиш жараёнини ҳамда мазкур институтнинг ташқи сиёсий алоқалардаги функцияларини атрофлича ёритиб беради. Унинг таъкидлашича, ҳарбий атташе фаолияти икки ва кўп томонлама ишончни мустаҳкамлаш, ҳарбий-техник алоқаларни ривожлантириш ва стратегик ҳамкорликни кенгайтиришда муҳим аҳамиятга эгадир¹³.

Бундан ташқари, *Ж. Раҳимовнинг* илмий қарашларига кўра, ҳарбий-дипломатик ҳамкорлик халқаро ташкилотлар, жумладан, Шанхай ҳамкорлик ташкилоти (ШХТ), Коллектив хавфсизлик шартномаси ташкилоти (КХШТ) ва НАТО каби тузилмалар билан Ўзбекистоннинг ҳарбий-сиёсий мулоқотини фаоллаштиришда муҳим ўрин тутаяди. Унингча, бундай ҳамкорлик ташқи сиёсий йўналишларни диверсификация қилиш, халқаро сиёсий

⁸ Кокошин А.А. “Военно-политические аспекты международной безопасности” Наука, 2003. – С. 97–108.

⁹ Кожин Е.А. “Военная дипломатия в системе обеспечения национальной безопасности России” Вестник Академии военных наук, №1, 2015. – С. 80–87.

¹⁰ Кожухаров В.П. “Военно-дипломатическая служба России: история, теория и практика” М.: РАГС, 2011. – С. 152–167.

¹¹ Михайлов И.И. “Современная военная дипломатия: вызовы и перспективы” Международная жизнь, №2, 2018. – С. 48–57.

¹² Сидиқов А.Х. “Ўзбекистон Республикасининг ташқи сиёсий устувор йўналишлари ва ҳарбий ҳамкорлик стратегияси” // “Ташқи сиёсат ва хавфсизлик муаммолари”, илмий журнал, 2019 йил, №1. 47–52-бетлар.

¹³ Қодиров Ш. “Ўзбекистон мудофаа сиёсатида ҳарбий атташе институтининг ўрни ва аҳамияти” // “Жамият ва бошқарув”, №2, 2021 / 75–80-бетлар.

майдонда манфаатлар мувозанатини таъминлашга хизмат қилади¹⁴. *Ф. Юлдашев* эса ҳарбий дипломатияни геосиёсий барқарорликни таъминлаш ва минтақавий хавфсизлик тизимларини мустаҳкамлашнинг таъсирчан воситаси сифатида баҳолайди. Унинг фикрича, ҳарбий-дипломатик алоқалар давлатлар ўртасидаги ишончли мулоқотни тиклаш, ҳарбий соҳадаги ихтилофли нуқталарни юмшатиш ҳамда стратегик шерикликни ривожлантиришга хизмат қилади¹⁵. Шунингдек, *А.Н.Исломов* таъбирича, ҳарбий дипломатияни ҳуқуқий механизмлар орқали тартибга солиш зарурлигини таъкидлайди. Унингча, мазкур ҳамкорликни амалга ошириш учун норматив-ҳуқуқий база мустаҳкам бўлиши лозим¹⁶.

Хорижий мамлакатлар қонунчилик амалиётида ҳарбий-дипломатик ҳамкорлик (military-diplomatic cooperation) мустақил қонун ҳужжати сифатида эмас, балки ҳарбий дипломатия, хавфсизлик ва мудофаа соҳаларидаги халқаро ҳамкорлик, ҳарбий атташе институтлари фаолияти, ташқи сиёсат доктриналари ва миллий мудофаа стратегиялари доирасида ҳуқуқий тартибга солинади. Жумладан, **АҚШ**да мазкур муносабатлар “*defense diplomacy*” ёки “*military-to-military cooperation*” тушунчалари орқали ифодаланади ҳамда халқаро ҳарбий ҳамкорлик, ҳарбий атташе фаолияти, қўшма ўқув машғулотлари ва стратегик иттифоқчилик каби йўналишларни қамраб олади¹⁷. **Буюк Британия** амалиётида эса “*defence engagement*” атамаси орқали ҳарбий кучларнинг ташқи сиёсатнинг интеграл қисми сифатида бошқа давлатлар билан дипломатик, ўқув ва техник ҳамкорлигини ташкил этиш назарда тутилади¹⁸. **Франция** ҳуқуқий ҳужжатларида тўғридан-тўғри “*military-diplomatic cooperation*” атамаси у қадар учрамасада, амалда “*coopération militaire internationale*” (халқаро ҳарбий ҳамкорлик) тушунчаси орқали ушбу муносабатлар, жумладан ҳарбий атташе фаолияти, минтақавий машғулотлар ва стратегик иттифоқчилик шаклида таркиб топган¹⁹. **Германияда** эса ҳарбий-дипломатик ҳамкорлик “*militärische Kooperation im Rahmen der Außenpolitik*” атамаси орқали давлат ташқи сиёсатининг бир бўлаги сифатида Бундесвернинг дипломатик фаолияти билан боғлиқ вазифаларини қамраб олади²⁰. **Россия Федерациясида** эса мазкур муносабатлар “*военно-техническое сотрудничество*” ва “*военно-дипломатическая деятельность*” тушунчалари орқали ифода этилиб, дипломатик каналлар орқали ҳарбий алоқаларни ўрнатиш, келишувлар тузиш ва ҳамкорлик фаолиятини амалга оширишни назарда тутлади²¹.

Юқорида илгари сурилган илмий таърифлардан келиб чиқиб, ҳарбий-дипломатик ҳамкорлик давлатнинг ташқи сиёсий мақсадларига эришишида муҳим восита бўлиб, хавфсизликни мустаҳкамлаш ва давлатлар ўртасида ўзаро ишончни оширишга хизмат қилади. Ўзбекистон Республикаси учун ҳам минтақавий ва глобал хавфсизликни таъминлашда ҳарбий-дипломатик ҳамкорлик муҳим аҳамиятга эга. Шу боис, мамлакат мудофаа сиёсатини белгилайдиган асосий қонун ҳужжатларида бу масаланинг қай даражада ёритилгани таҳлилга арзийди. Хусусан, амалдаги “Мудофаа тўғрисида”ги Қонун²² ва “Мудофаа доктринаси тўғрисида”ги Қонун²³ мазмунида ҳарбий-дипломатик ҳамкорлик тушунчаси ва

¹⁴ Раҳимов Ж. “Ўзбекистон ташқи сиёсатида ҳарбий-дипломатик ҳамкорликнинг ўрни” // “Тошкент Халқаро муносабатлар университети илмий ишлари тўплами”, №1, 2020 / 112–117-бетлар.

¹⁵ Юлдашев Ф. *Ўзбекистон Республикаси ҳарбий сиёсатининг дипломатик йўналишлари* // “Мудофаа ва хавфсизлик” журнали, №3, 2022 / 59–65-бетлар.

¹⁶ Исломов А.Н. “*Миллий хавфсизликни таъминлашда ҳарбий дипломатиянинг ҳуқуқий асослари*” // “Давлат ва ҳуқуқ”, №4, 2021 / 88–92-бетлар.

¹⁷ U.S. Department of Defense. (2019). Summary of the 2018 National Defense Strategy of the United States of America. <https://dod.defense.gov/Portals/1/Documents/pubs/2018-National-Defense-Strategy-Summary.pdf>

¹⁸ UK Ministry of Defence. (2013). Defence Engagement Strategy. https://assets.publishing.service.gov.uk/government/uploads/system/uploads/attachment_data/file/73171/defence_engagement_strategy.pdf

¹⁹ Ministère des Armées (2020). La coopération de défense internationale. <https://www.-defense.gouv.fr>

²⁰ Bundesministerium der Verteidigung. (2016). Weißbuch 2016 zur Sicherheitspolitik und zur Zukunft der Bundeswehr. <https://www.bmvg.de/de/themen/weissbuch>

²¹ Ministry of Defence of the Russian Federation. (2020). Военно-техническое сотрудничество Российской Федерации с иностранными государствами. <http://mil.ru>

²² Ўзбекистон Республикаси қонунчилик маълумотлар миллий базаси // <https://www.-lex.uz/acts/108083>

²³ Ўзбекистон Республикаси қонунчилик маълумотлар миллий базаси // <https://www.-lex.uz/acts/3495885>

унинг шакллари қай тарзда акс этгани муҳокама этилади. Агар мазкур ҳужжатларда бу тушунча очиқ ва аниқ баён этилмаган бўлса, уни ҳуқуқий бўшлиқ сифатида баҳолаш лозим. Қуйида ушбу ҳуқуқий бўшлиқнинг моҳияти ва эҳтимолий салбий оқибатларини ёритиб ўтамиз.

Ўзбекистоннинг амалдаги “Мудофаа тўғрисида”ги Қонуни (янги таҳрири 2001 йилда қабул қилинган)да халқаро ҳамкорликка оид умумий норма мавжуд. Мазкур қонуннинг 23-моддаси “Мудофаа соҳасидаги халқаро ҳамкорлик” деб номланиб, унда республика халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган принцип ва нормаларига таянган ҳолда, ҳарбий қурилиш, тинчлик ва хавфсизликни сақлаб туриш соҳаларида бошқа давлатлар билан ҳамкорлик қилиши баён этилган²⁴. Яъни, Қонун мазмунида Ўзбекистоннинг мудофаа соҳасидаги халқаро ҳамкорлиги концептуал жиҳатдан тан олинган. Шу билан бирга, қонунда ҳарбий ҳамкорликнинг қайси шакл ва йўналишларда амалга оширилиши ёки унинг механизми тўғрисида батафсил тартиб ёки таъриф берилмаган. Масалан, қонунда ҳарбий-дипломатик ҳамкорлик тушунчаси алоҳида ажратиб кўрсатилмагани баробарида, мудофаа вазирлиги ва бошқа тегишли идораларнинг халқаро ҳарбий ҳамкорликни ташкилий тарзда амалга ошириш ваколатлари алоҳида баён этилмаган. Фақат Президент ёки Олий Мажлис ваколатларини санаб ўтувчи нормалар орасида жанговор ҳаракатларда қатнашиш ёки тинчликпарварлик операцияларига юбориш тартибига оид ҳолатлар келтирилган, аммо бу тўғридан-тўғри ҳарбий-дипломатик ҳамкорлик концепциясини очиб бермайди²⁵. Шу тариқа, “Мудофаа тўғрисида”ги Қонун халқаро ҳамкорликни умумий принцип сифатида эътироф этган бўлса-да, ҳарбий-дипломатик ҳамкорликнинг мазмуни ва шакллари аниқ регламентация қилинмаган.

Бундаг ташқари, 2018 йил 9 январда қабул қилинган “Ўзбекистон Республикасининг Мудофаа доктринаси тўғрисида”ги Қонунда мамлакат мудофаа сиёсати принциплари ва ёндашувлари белгилаб берилган. Ушбу доктрина очиқ ҳужжат сифатида эълон қилинган бўлиб, Ўзбекистон мудофаа сиёсати тинчликпарвар ва ҳимоя характерида эканини таъкидлайди²⁶. Доктринада халқаро ҳамкорликка доир айрим принциплар ва вазифалар ҳам келтирилган. Хусусан, Ўзбекистон Республикасининг ташқи сиёсати концепцияси ва халқаро ҳуқуқ нормаларига мувофиқ, барча давлатлар билан тенг ва ўзаро фойдали муносабатлар қуриши, ҳарбий-сиёсий блокларда иштирок этмаслиги, можароларни тинч музокаралар орқали ҳал этишга интилиши каби тамойиллар қатъий белгиланган²⁷. Бундан кўринадики, доктрина Ўзбекистоннинг ҳарбий соҳадаги халқаро позициясини асосан мудофаа ва тинчликка қаратилган йўналишда белгилайди.

Шунингдек, Мудофаа доктринаси матнида халқаро ҳарбий ва ҳарбий-техник ҳамкорлик алоҳида атамалар сифатида қўлланган. Доктринага мувофиқ, “халқаро ҳарбий ва ҳарбий-техник ҳамкорлик” Қуролли Кучларни замонавий қурол-яроғ ва техника билан таъминлаш, уларни модернизация қилиш, қўшма лойиҳаларни амалга ошириш, мудофаа саноатига хорижий инвестициялар ва технологияларни жалб этиш, шунингдек, ҳарбий кадрларни тайёрлаш ва малакасини ошириш каби вазифалар доирасида ташкил этилиб, амалга оширилади²⁸.

²⁴ Ўзбекистон Республикасининг “Мудофаа тўғрисида”ги Қонун // <https://lex.uz/docs>.

²⁵ Ўзбекистон Республикасининг “Мудофаа тўғрисида”ги Қонуннинг 4-моддаси (*Mudofaa sohasidagi davlat siyosatining asosiy prinsiplari*)нинг 3-хатбоши

²⁶ <https://djournal.kr/news/article.html?no=24090#:~:text=These%20documents%20include%20the%20Defense,of%20military%20security%20and%20etc>

²⁷ Concerns over partnership program with Russia are groundless - Ministry of Defense // “The clause 10 of the Defense Doctrine of Uzbekistan reads: “The political course of the Republic of Uzbekistan in the field of defense is based on the following principles: non-admission of foreign military bases and facilities on its territory; non-participation of the Armed Forces in peacekeeping operations and military conflicts abroad” (3-хатбоши) / <https://tashkenttimes.uz/national>

²⁸ “Ўзбекистон Республикаси Мудофаа доктринаси”нинг 36-банди (Халқаро ҳарбий ва ҳарбий-техникaviy hamkorlik Qurolli Kuchlarni qurol-yarog‘, harbiy va maxsus texnikaning eng yangi hamda istiqbolli namunalari bilan ta’minlash, ularni modernizatsiya qilish, ta’minlash va utilizatsiya qilish bo’yicha vazifalarni hal etish, qo’shma loyihalarni amalga

Бу ерда асосан ҳарбий-техник ҳамкорлик жиҳатлари баён этилган бўлиб, қўшма ҳарбий машғулотлар, қурол-яроғ таъминоти ва кадрлар тайёрлашга эътибор қаратилган. Бироқ ҳарбий-дипломатик ҳамкорлик атамаси ёки унинг аниқ шакллари доктрина матнида ҳам тўғридан-тўғри таърифланмаган. Доктрина ҳарбий-сиёсий муносабатлар учун ташкилий-ҳуқуқий шарт-шароит яратишни назарда тутди ва қўшни давлатлар билан хавфсизлик соҳасида ҳамкорлик қилиш муҳимлигини қайд этади²⁹. Лекин бу умумий таъкидлар амалда ҳарбий дипломатиянинг конкрет механизм ёки чора-тадбирлари қай тарзда йўлга қўйилиши лозимлигини тушунтирмайди. Масалан, доктринада ҳарбий атташелар фаолияти, мудофаа вазирлиги даражасидаги халқаро музокаралар ёки ҳарбий делегациялар алмашинуви каби масалалар алоҳида ёритилмаган. Шу боис, мудофаа доктринаси ҳам ҳарбий-дипломатик ҳамкорлик тушунчасини батафсил очиб бермаган, балки умумий стратегиявий йўналишлар доирасида таништирган, холос.

Юқоридаги таҳлилдан маълум бўладики, Ўзбекистоннинг амалдаги мудофаа соҳасидаги қонунчилик ҳужжатларида “*ҳарбий-дипломатик ҳамкорлик*” тушунчаси аниқ ва тўла ёритилмаган. “*Мудофаа тўғрисида*”ги қонун умумий шаклда халқаро ҳамкорликни эътироф этади, доктрина эса халқаро ҳарбий ҳамкорликнинг айрим техник жиҳатларини санаб ўтади. Бироқ иккала ҳужжатда ҳам ҳарбий дипломатиянинг мақсади, вазифалари ва шакллари тўғрисида аниқ нормалар мавжуд эмас. Бу ҳолатни ҳуқуқий бўшлиқ деб аташ мумкин, чунки давлат сиёсатида муҳим ўрин тутувчи бир масала – ҳарбий-дипломатик ҳамкорлик – мувофиқ меъёрий асосда тўлиқ камраб олинмаган. Ҳуқуқий бўшлиқ шундан иборатки, қонун ва доктринада ҳарбий-дипломатик ҳамкорликнинг нафақат атамаси аниқ берилмаган, балки уни амалга ошириш механизми, ваколатли органлар вазифалари ва чекланганликлари ҳам белгиланмаган. *Масалан:*

биринчидан, қонунчиликда ҳарбий ҳамкорликнинг шакллари очиқ тавсифланмаганлиги:

Аслида ҳарбий-дипломатик ҳамкорлик турли кўринишларда бўлади – расмий ҳарбий делегациялар визити, қўшма ҳарбий машғулотлар, халқаро конференцияларда иштирок, ҳарбий таълим муассасаларида кадрлар тайёрлаш бўйича алмашинув, ҳарбий техника ва қуролларни ҳамкорликда яратиш ёки харид қилиш, минтақавий хавфсизлик бўйича кўп томонлама чораларда иштирок этиш ва ҳ.к. Амалда бу каби фаолиятлар Ўзбекистон томонидан ўтказиб келинмоқда, лекин уларнинг ҳуқуқий асоси асосан Президент фармонлари, ҳукумат қарорлари ёки икки томонлама шартномаларга таянмоқда. Миллий қонунчиликда эса бу шакллар санаб ўтилмаган. *Масалан*, қўшни Қозоғистон ва Ўзбекистон мудофаа вазирликлари ўртасида 2017 йил тузилган келишувда ҳарбий ҳамкорликни амалга оширишнинг конкрет шакллари рўйхат тарзида санаб ўтилган: расмий ташрифлар, ишчи учрашувлар, конференция ва семинарларда қатнашиш, ҳарбий таълим муассасаларида ўқиш, қўшма ҳарбий машқларда иштирок этиш, малака ошириш курслари, ҳарбий кадрларни биргаликда тайёрлаш, маълумот ва тажриба алмашиш, ҳатто спорт-маданий тадбирларда қатнашиш кабилар (*шартномада 10га яқин шакл келтирилган*)³⁰. Бу мисолдан кўриниб турибдики, ҳарбий ҳамкорликни ҳуқуқий тартибга солишда аниқ шаклларни белгилаш амалиёти мавжуд. Ўзбекистон қонунчилигида эса бу каби аниқлик йўқ;

иккинчидан, ваколатли институтлар ролини белгилашдаги бўшлиқ: Ҳарбий-дипломатик ҳамкорликни амалга оширишда ташқи ишлар вазирлиги, мудофаа вазирлиги, мамлакатнинг хориждаги ҳарбий атташелари ва бошқа тузилмалар иштирок этади. Лекин “Мудофаа

o'shinish, mudofaa sanoati kompleksiga chet el investitsiyalari hamda texnologiyalarini jalb etish, shuningdek harbiy, harbiy-texnik kadrlar va mutaxassislarini tayyorlash, qayta tayyorlash, ularning malakasini oshirish zaruriyatiga muvofiq tashkil etiladi hamda amalga oshiriladi.)

²⁹ INSTITUTE FOR STRATEGIC AND REGIONAL STUDIES UNDER THE PRESIDENT OF THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN // Basic principles and directions of the Republic of Uzbekistan's defense policy 2-хатбоши / <https://isrs.uz/en>

³⁰ СОГЛАШЕНИЕ между Министерством обороны Республики Казахстан и Министерством обороны Республики Узбекистан о военном сотрудничестве // Соглашение, 23 марта 2017 года / <https://adilet.zan.kz/rus/docs>

тўғрисида”ги қонунда ҳам, доктринада ҳам, бу субъектларнинг мос вазифа ва ваколатлари очиқ-ойдин баён қилинмаган. Масалан, мудофаа вазирлиги халқаро ҳарбий ҳамкорликни ташкил этиш учун масъул экани ёки бундай ҳамкорликни мувофиқлаштириш қандай амалга ошириши ҳақида қоидалар йўқ. Натижада, амалда бу масалаларни тартибга солиш ташкилий буйруқлар ва идоралараро келишувларга қолиб кетади;

стратегик ҳужжатларда аниқ мақсадли йўналишларнинг йўқлиги: Мудофаа доктринаси каби концептуал ҳужжатда ҳарбий-дипломатик ҳамкорлик бўйича давлатнинг устувор йўналишлари ёки режалари очиқ белгиланмаган. Доктринада “халқаро ҳарбий-сиёсий вазият” таҳлили ва “халқаро ҳарбий-техник hamkorlikni rivojlantirish” лозимлиги қайд этилган, лекин масалан, маълум бир минтақада ҳарбий ҳамкорликни чуқурлаштириш ёхуд муайян халқаро структураларда (*БМТ тинчликпарварлиги, ШХТ доирасидаги ҳарбий машғулотлар ва ҳ.к.*) қатнашиш сиёсатини баён этувчи нормалар кўзда тутилмаган.

Юқоридагилар ҳуқуқий бўшлиқни ташкил қилади ва бундай ҳолатда амалдаги тартиб ва сиёсати қонунларда тўлиқ акс этмайди. Бу эса ҳарбий-дипломатик ҳамкорликка оид қатор салбий оқибатларни келтириб чиқариши мумкин, жумладан:

- **халқаро ҳамкорликдаги саволларга аниқликнинг етишмаслиги:** Қонун ва доктринада аниқ регламентация йўқлиги давлатнинг ҳарбий соҳада ташқи ҳамкорлик олиб боришида тушунмовчиликларга сабаб бўлиши эҳтимоли бор. Масалан, қўшма ҳарбий машғулотлар ўтказиш ёки хорижий ҳарбий базаларга ташрифларни амалга оширишда, ички қонунчиликдаги бўшлиқ туфайли процедуравий саволлар пайдо бўлиши мумкин. Ҳар бир янги ҳамкорлик лойиҳаси учун алоҳида қарорлар ва келишувлар талаб этилиши, бу эса жараённи секинлаштириши ёки оғирлаштириши эҳтимолдан холи эмас;
- **стратегик режалаштиришда ноаниқлик:** Агар қонунчиликда ҳарбий-дипломатик ҳамкорликнинг мақсад ва устуворликлари белгиланмаган бўлса, мудофаа соҳасидаги узоқ муддатли режаларда бу масалага етарлича эътибор қаратилмаслиги мумкин. Натижада, Қуролли Кучларни ривожлантириш дастурлари ёки миллий хавфсизлик стратегияларида халқаро ҳамкорликдан фойдаланиш тўғрисидаги боблар имкониятдан кам фойдаланилиши мумкин. Масалан, Ўзбекистон ўз миллий манфаатларига мувофиқ равишда қўшни давлатлар армиялари билан қатор йўналишларда ҳамкорликни кучайтиришдан манфаатдор. Лекин ҳуқуқий асос мустаҳкам бўлмаса, бундай ҳамкорликни тизимли режалаштириш қийинлашади ва ташаббуслар шахсий даражада ёки вақтинчалик асосда қолиб кетиши мумкин;
- **идоралараро мувофиқлашув муаммолари:** Ҳарбий дипломатия фақат мудофаа вазирлигининг иши бўлиб қолмай, у ташқи ишлар вазирлиги, давлат хавфсизлик хизмати, фавқулодда вазиятлар вазирлиги (мудофаа билан боғлиқ гуманитар ҳамкорликда) каби бир нечта идоралар кесишадиган соҳадир. Агар қонунчиликда бу идораларнинг ҳамкорликдаги вазифалари аниқ кўрсатилмаган бўлса, амалда мувофиқлаштиришда бўшлиқлар пайдо бўлади. Масалан, қайси ҳолатда мудофаа вазирлиги ташқи ишлар вазирлиги орқали иш олиб бориши, қачон тўғридан-тўғри ҳарбий делегациялар жўнатилиши мумкинлиги каби масалаларда расмий белгиланган тартиб йўқлиги ножо’уа бюрократик кечиктиришларга сабаб бўлиши мумкин;
- **халқаро мажбуриятларни бажаришдаги қийинчиликлар:** Ўзбекистон бир қатор халқаро шартномалар ва ташкилотлар доирасида мажбуриятларга эга (*масалан, МДҲ доирасидаги ҳарбий ҳамкорлик битимлари, Шанхай ҳамкорлик ташкилоти хавфсизлик тадбирлари, БМТ тинчликпарварлик фаолиятидаги иштирок ва ҳ.к.*). Агар ички қонунчиликда уларга мувофиқ механизмлар назарда тутилмаган бўлса, халқаро мажбуриятларни бажариш учун ҳар сафар алоҳида меъёрий ҳужжат чиқаришга тўғри келади. Бу эса вақт ва ресурс йўқотилишига олиб келиши, айрим ҳолларда мажбуриятлар ижросида кечикишлар ёки номуаносибликлар келтириб чиқариши мумкин;

➤ **ҳуқуқий белгилов кучининг заифлиги:** Ҳарбий-дипломатик ҳамкорлик айна дамда асосан президент фармонлари ва ҳукумат қарорлари, шунингдек, икки томонлама шартномалар асосида юритилмоқда. Масалан, Ўзбекистон ва Россия ўртасида муҳофаа соҳасида 2021-2025 йилларга мўлжалланган Стратегик шериклик дастури имзоланди ва у асосида кенг кўламли ҳамкорлик йўлга қўйилмоқда³¹. Россия билан ҳамкорликнинг шартномавий-ҳуқуқий базаси анча мустаҳкам бўлиб, 2004 йилдаги Стратегик шериклик тўғрисидаги битим ва 2005 йилдаги Иттифоқчилик тўғрисидаги шартнома бу борада асос бўлиб хизмат қилмоқда³². Бундай алоҳида битим ва дастурлар, албатта, муҳим; аммо улар доимий ва умумқамрови ички қонунларнинг ўрнини босолмайди. Қонун даражасида меъёр бўлмаганда, ҳар бир янги вазиятда янги битим ёки қарор талаб қилинавериши мумкин. Шу боис, ички қонунчиликдаги бўшлиқни тўлдириш, қабул қилинган халқаро битимларни имплементация қилувчи нормаларни киритиб бориш ҳуқуқий барқарорликни таъминлайди.

Юқорида саналган оқибатлар шуни кўрсатадики, ҳарбий-дипломатик ҳамкорлик соҳасидаги ҳуқуқий бўшлиқ амалда Ўзбекистоннинг халқаро майдондаги муҳофаа соҳасидаги фаолиятига салбий таъсир кўрсатиши мумкин. Албатта, ҳукумат бу бўшлиқни турли тартиб-таомиллар ёрдамида ёпишга ҳаракат қилади (*масалан, идоралараро келишувлар, вақтинчалик низомлар ва ҳ.к.*), лекин туб маънода қонунчилик асосини мустаҳкамлаш зарурати мавжуд.

Ўзбекистон муҳофаа соҳасидаги амалдаги қонун ва доктринасида ҳарбий-дипломатик ҳамкорлик тушунчаси етарлича очиб берилмаган, бу эса ҳуқуқий бўшлиқни вужудга келтирмоқда. Бундай бўшлиқ шартли равишда мамлакатнинг ҳарбий соҳадаги халқаро фаолиятини қонун билан тўлиқ қамраб ололмаётганини англатади. Натижада, Ўзбекистон халқаро мажбуриятларига риоя этиш ва муҳофаа дипломатиясини самарали юритиш борасида баъзи ноқулайликларга учраши мумкин. Мазкур ҳуқуқий бўшлиқнинг салбий оқибатларини бартараф этиш учун қуйидагилар муҳим саналади:

қонунчиликни такомиллаштириши: Ўзбекистон Республикасининг “Муҳофаа тўғрисида”ги Қонуннинг алоҳида модда сифатида **“Ҳарбий-дипломатик ҳамкорлик”** деб номланган **23¹** – моддасини киритилиши ва қуйидаги мазмунда :

“Ҳарбий-дипломатик ҳамкорлик — бу давлатнинг муҳофаа соҳасидаги ташқи сиёсатини амалга ошириш жараёнида Қуролли Кучлар ва ваколатли давлат органлари орқали бошқа давлатлар ва халқаро ташкилотлар билан ҳарбий-сиёсий, ташкилий ва амалий ҳамкорликни ташкил этиш ва амалга оширишга қаратилган комплекс фаолият туридир. У мамлакатнинг миллий хавфсизлигини таъминлаш, минтақавий ва глобал барқарорликни сақлаш, ўзаро ишончни мустаҳкамлаш ҳамда ҳарбий соҳадаги ахборот, кадрлар, технологиялар ва тажриба алмашинувини ҳуқуқий асосда юритишини ўз ичига олади” муаллифлик таърифини илгари суриш мақсадга мувофиқ.

Шунингдек, 23³-модда. **“Ҳарбий-дипломатик ҳамкорлик шакллари”** деб номлаб, мазкур нормага кўра Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ва муҳофаа соҳасида ваколатли органлари томонидан қуйидаги шаклларда ҳарбий-дипломатик ҳамкорлик амалга оширилади:

- *расмий ҳарбий делегациялар алмашинуви;*
- *халқаро форумлар ва конференцияларда иштирок;*
- *ҳарбий атташе фаолиятини ривожлантириши;*
- *қўшма ҳарбий машқлар ва ўқувлар;*

³¹ Concerns over partnership program with Russia are groundless - Ministry of Defense // <https://tashkenttimes.uz>

³² *Ўша манбаа: 7-хатбоши* (An expanded regulatory and legal framework has been created between the defense departments of Uzbekistan and Russia, which makes it possible to conduct and intensify cooperation in various areas of the armed forces' activities. The basis of such cooperation, first of all, is the Treaty on Strategic Partnership between the countries of July 16, 2004 and the Treaty on Allied Ties of November 14, 2005, the statement says).

- *ҳарбий кадрлар тайёрлаш ва малака ошириши;*
- *илмий-таълим ҳамкорлиги;*
- *ҳарбий-маданий тадбирларда иштирок;*
- *ахборот ва тажриба алмашинуви;*
- *халқаро хавфсизлик ташаббусларида қатнашиши;*
- *ҳарбий-сиёсий маслаҳатлашувлар.*

Мазкур ҳарбий-дипломатик ҳамкорлик Ўзбекистон Республикасининг ташқи сиёсий устувор йўналишларига мувофиқ, халқаро ҳуқуқ нормалари ва икки томонлама ёки кўп томонлама шартномалар асосида амалга оширилади.

Ушбу асослангирилган илмий тақлифларни ривожланган давлатларнинг ижобий тажрибалари билан қиёсий таҳлил қилсак ишни илмий салоҳиятини янада оширишга хизмат қилади. Жумладан, **Британиянинг** “*defence diplomacy*” (ҳарбий дипломатия) концепцияси, **Россиядаги** “*Халқаро ҳарбий-техникавий ҳамкорлик тўғрисида*”ги қонуни, **Қозоғистон** ва **Туркия** каби давлатлар билан тузилган икки томонлама ҳарбий ҳамкорлик шартномалари шуни кўрсатадики, ҳарбий дипломатияни қонунчилик асосида белгилаш ва унга институционал шакл бериш давлатлар учун стратегик эҳтиёждир. Бу каби халқаро тажриба таҳлили Ўзбекистон учун ҳам миллий мудофаа сиёсатида **ҳарбий-дипломатик ҳамкорликни ҳуқуқий жиҳатдан тизимлаштириш ва институционаллаштириш** зарурлигини тасдиқлайди.

Шундай қилиб, “Мудофаа тўғрисида”ги Қонунда ҳарбий-дипломатик ҳамкорликка оид моддаларни жорий этилиши:

- *давлатнинг ташқи сиёсий ва ҳарбий стратегиясини мувофиқлаштиришни таъминлайди;*
- *халқаро майдондаги ҳарбий ҳамкорлик фаолиятини шаффоф, тизимли ва қонуний асосда олиб бориш имконини яратади;*
- *идоралараро мувофиқликни оширади ва ҳуқуқий аниқликни таъминлайди.*

Бу эса миллий хавфсизликни кафолатлашда муҳим ҳуқуқий кафолат сифатида хизмат қилади. Мазкур тақлиф “Янги Ўзбекистон” шароитида мудофаа тизими модернизациясининг муҳим босқичи сифатида кўрилиши мумкин.